МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА МУМТОЗ МУСИҚИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

У.З.Имамов

Мақолада мусиқа таълими йўналишларида ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш учун соҳада фаолият юритаётган педагог ходимларнинг мумтоз мусиқий меросни билишлари зарур экани асосланиб, бу ишда мусиқашуносликка оид манбаларнинг аҳамияти ёритиб берилган.

***Калит сўзлар**: манба, мусиқий рисола, табулатура, шарқшунос, мусиқашунос, ўзбек классик мусиқаси.*

В статье обоснована необходимость знания работающими в сфере музыкального образования педагогами классического музыкального наследия для воспитания духовно развитого молодого поколения, показана роль в этом музыковедческих источников.

***Ключевые слова**: источник, музыкальный трактат, табулатура, востоковед, музыковед, узбекская классическая музыка.*

The article stresses the necessity of perfect knowledge in the field of classical musical heritage in the process of educating the spiritually mature younger generation, shows the role of the musicological sources. It also points out the role and importance of sources dealing with classical music.

***Key words**: source, music treatise, tabulature, orientalist, musicologist, Uzbek classical music.*

Ўзбек халқининг мусиқий маданияти жуда бой, мингйилликлар давомида камол топган ва барҳаёт урф-одат сифатида бизгача етиб келган мусиқий меросдир. Педагог-ходимларнинг маънавий меросимизнинг таркибий қисми саналмиш ўтмиш мусиқа рисолаларини имкон қадар назардан четда қолдирмасдан, катта ё кичиклигига қарамасдан маданий мерос сифатида ўрганиши бугунги кун талабидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов такрор ва такрор таъкидлаганларидек, “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир” [1.31].

Маълумки, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино каби Шарқ алломалари ўз мусиқий-назарий қарашларини ифодалашда турли манбалардан фойдаланганлар. Лекин улар куй матнларини ифодаловчи нота белгилари эмас, балки товушқатор нағмаларнинг баланд-пастлигини англатувчи белгиларни қўллаганлар. Мусиқий ёзувларнинг илк намунаси Сафиуддин Урмавий (1216-1294) томонидан жорий этилган уд созига мўлжалланган кўргазмали табулатура ёзуви ҳисобланади. Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда яшаган буюк мусиқашунос Абдулқодир Мароғий (1354-1435) уд табулатураси воситасида мумтоз мусиқанинг ички

тузилиш (таснифот) қоидаларини тушунтириш учун чолғу ва ашула куйларидан айрим намуналар келтирган.

Мароғий замонида муайян усул асосидаги мақом йўли деганда, эндиликда биз одат қилган барқарор мусиқий мант эмас, балки ана шу усул ва мақом (парда) асосида эркин ижод қилиш назарда тутилган. Уларнинг жонли урф-одатлари, садоланиши биз учун мавҳум.

Шарқ мусиқашунослигининг кейинги вакилларидан Нажмиддин Кавкабий (1473-1533), Дарвиш Али Чангий (XVI аср иккинчи ярми – XVII аср бошлари) рисоласи ва XIX асрда Бухорода яратилган мусиқий рисолалар [2] моҳиятан мусиқий илмига дахлсиз, улар шеърий баёзлардан ўзга нарса эмас, деган далилсиз фикрлар XX асрнинг сўнгги ўн йиллигигача ҳукм суриб келаётганди.

Мустақиллик шарофати билан миллий меросимиздаги унутилаёзган қўлёзма нота ёзуви манбалари бошқа соҳага оид китоблар, урф-одатларимизу қадриятларимиз қатори қайта жонланди. Улар орасида М.Харратов, Ғ.Зафарий, Фитратдек миллатпарварлар қатори фидоий зиёлилардан композитор, мусиқашунос ва этнограф В.Успенский, йирик олим В.Беляев, тажрибали мусиқачи ва мураббий Н.Миронов, атоқли тарихчи ҳамда шарқшунос А.Семёновлар қолдирган мероснинг манбавий аҳамияти жуда катта.

Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган, азалдан маданият ўчоғи сифатида донг таратиб келаётган Ўзбекистон замини, янги ижодий изланишлар макони тарзида ўзига диққатни жалб этди. 1920–30-йиллар Ўзбекистон маданий, жумладан, мусиқий жараёнлари тажрибаси XX аср тарихида алоҳида аҳамият касб этади [3.40].

Жиддий сиёсий-иқтисодий, ғоявий курашлар гирдобида миллий анъаналарни мумкин қадар бузмасдан замона зайлига мувофиқлаш, миллий опера яратиш, бой мусиқий меросимизнинг тарихий ва назарий асосларини ўрганишга қаратилган сайъ-ҳаракатларга бел боғлаган номлари зикр этилган фидоийлар мислсиз қийинчиликларга дуч келдилар: А.Фитрат ва Ғ.Зафарий қатағон қурбони бўлдилар; Матюсуф Харратов отаси – моҳир устоз Матёқуб Харратов ноҳақ қатл этилганидан кейин аламига чидай олмай, умрининг охиригача ғам-ғусса ва паришонликда яшади. В.Успенский бўлмағур айбловлар билан қамоққа олинди; В.Беляев ва А.Семёновлар доимий тўсқинлик, ноҳақ туҳмату фитналардан боши чиқмай ўтдилар.

Ҳаёт йўллари қанчалик машақатли бўлмасин, ушбу фидоийларининг ҳар бири улкан мерос қолдирди. Бугунги кунда улар яна миллий қадриятларимизнинг ёрқин намуналари сифатида эъзозлана бошланди. Фикримизча, бу ҳали катта бурилиш жараёнининг илк қадамлари. Зеро, номлари санаб ўтилган мусиқашунос, мураббий ҳамда тадқиқотчиларнинг ҳанузгача илмий биографияси ҳозирланмади, рўйхат ва таснифотлари тузилиб, замонавий жараёнларга жалб этилмади. Ҳатто, ўзбек мусиқа тарихи ва назарий асосларини яратиш йўлида устувор аҳамиятга эга бўлган Фитрат, Ғулом Зафарий, Матюсуф Харратовларнинг нашр қилинган асарларини ҳам тегишлича ўзлаштириб, илмий ва ижодий муомалага қайтаришни амалга ошира олмадик. Бу борада ҳали ўзига яраша қийинчиликлар мавжуд.

В.Успенский ёзувидаги “Шашмақом”, Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китоби, Ғулом Зафарийнинг “Ўзбек мусиқаси ҳақида” мақоласи, В.Беляевнинг ўзбек мусиқаси тарихи ва асосларига доир илмий-назарий қарашлари, А.Семёновнинг мусиқий рисолаларга доир тадқиқот ва таржималари ўз соҳасига тегишли мумтоз намуналар бўлиб хизмат қилади. Афсуски, бу изчил ва бой илмий мероснинг аксарияти эътибордан четда қолиб кетган эди. Эндиликда уларни кенг илмий-амалий доирада ишлатиш учун, биринчи навбатда тегишли дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда изоҳли маълумотнома ва луғатлар яратиш талаб қилинади.

1920-30 йиллар мусиқийшунослик ишларини тадқиқ этиш ўзига яраша қийинчиликлар билан боғлиқ. Уларнинг асосийси маърифатчиларнинг илмий мероси бизга тўлиқ маълум эмаслиги. Матюсуф Харратов, Фитрат, Ғулом Зафарийлар ўз вақтида мусиқий меросимизнинг турли жабҳаларини ўрганиш борасида талайгина ишларни амалга оширганлар ёки қизиқарли мавзуларда илмий изланишлар олиб боришни кўзлаганлар. Масалан, Фитратнинг “Муғулчалар” ҳақида алоҳида илмий асар яратиш нияти бўлган. Бу асар маъно-мазмунини тушуниш учун Фитратнинг тил, адабиёт, мусиқа ва умуман маънавий мерос билан боғлиқ қарашларини замон эҳтиёжлари ва давр талаблари нуқтаи назаридан мутолаа қилиш зарур. Зеро, мутафаккир тил ва тафаккур масалалари хусусида жуда кенг ҳамда узоқ истиқболларни кўзлаб мулоҳаза юритади. Маълумки, миллий мусиқамизнинг гултожи бўлган мақомларнинг катта бир қатлами бўлган “Муғулча”лар умумтуркий қадриятларнинг ажралмас қисмидир.

Фитрат темурийлар даврига келиб чиғатой тилида яратилган адабиёт, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа туркийзабон адибларининг асарлари жаҳоншумул аҳамият касб этиб, юксак тамаддунга асос бўлиб хизмат қилганлигини қайд этади [4]. Олим “чиға-

той” тили деганда, бугунги истилоҳдаги “ўзбек” тили назарда тутилаётгани ва умумий маънода “турк тили” дейилганда “мўғул тили” ҳам назарда тутилишини уқтиради. Яъни Фитратнинг тил ҳақидаги қарашлари мусиқий заминга кўчирилса, чиғатой-ўзбек-муғул мусиқаси умумий ўзакка дахлдор экани маълум бўлади. Фитратнинг “Муғулчалар” борасида ёзмоқчи бўлган илмий асари ҳам, бизнингча, айнан шуни асослаш мақсадини кўзлаган. Бундаги “Муғулча” атамаси кенг маънода “Шашмақом”нинг ўзбекона илдизларини назарда тутади. “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ўзбекларнинг алоҳида мақомлари бўлганининг таъкидланиши ҳам бунинг ёрқин далили ҳисобланади.

Қизиғи шундаки, Фитрат ва Матюсуф Харратов қарашларида “ўзбек мақомлари” деган йиғма тушунча, одатда дутор чолғусига боғлаб ишлатилади. Фитрат тузган “Шашмақом” мундарижасида Бузрук мақомининг шўъбачаларидан бири “Дутор Ироқи” номи билан берилади. Хоразмда эса “Дутор мақомлари” деган атама ҳанузгача сақланган. Хоразм “Дутор мақомлари” таркибида” беш қисмли “Муғулча туркуми” мавжуд. Қарангки, беш қисмли туркум шакли айнан муғулчаларга хос тамойил сифатида бизгача сақлаб келинган жонли анъана. Аслида эса бу беш қисмли муғулчалар шакли Абдулқодир Мароғий асарларида “Навбати муратаб” (“Тартиблашган навбат”) деб таърифланган улуғвор туркумга моҳиятан жуда яқин.

Демак, Фитрат “Муғулча”лардан кўзлаётган мақсаднинг ўқ илдизлари Навоий замонларида юксак босқичларга эришган ва Фитрат “чиғатой мусиқасининг олтин даври” деб эътироф этадиган замонларга боради. Лекин Сталинча миллий сиёсат авжига чиққан 1930-йилларда бу ҳақиқатни рўйи рост кўтариб чиқиш амри маҳол эди. Шунинг учун ҳам аллома кўзлаган мақсад, яъни муғулчалар ҳақида алоҳида илмий тадқиқот яратиш амалга ошмай қолди.

Фитратдек миллатпарвар донишманд учун “ўзбек классик мусиқаси” ҳақиқатан ҳам ҳаёт илдизларига эга эканлигини исботлаш олий мақсад эди. Бу борадаги изланишлар келгусида изчил давом этса, “ўзбек классик мусиқаси” тушунчаси миллий мафкурамизнинг устивор тамойилларидан бири экани ва унинг илдизлари Темурийлар тамаддунига бориб тақалиши ўз исботини топиши муқаррар.

Ватанпарварлик руҳияти билан суғорилган Матюсуф Харратов онгида Хоразм мусиқий меросининг томирларини теран идроклаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар кўп эди. Бу билимларнинг фақат кичиккина қисми “Хоразм мусиқий тарихчаси”да ўз аксини топди, холос. 1930-йилларда у Хоразм мусиқий тарихини муфассалроқ ёритиш борасида кўп ишлар олиб борди. Айрим маълумотларга кўра, Матюсуф Харратов шу даврда “Хоразм мусиқий тарихи” номли йирик асар яратган. Бироқ унинг тўлиқ нусхаси ҳанузгача топилган эмас. Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида М.Харратовнинг бу борада олиб борган изланишларининг қораламалари сақланган холос. Ана шу тарқоқ маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, Хоразм мумтоз куй ва ашулаларининг парда ва усул асосларини изчил ўрганиш 1925 йилда нашр этилган китобчадаги фикрларни тўла ва изчилроқ ишлаш устоз созанданинг диққат марказида бўлган.

Демак, XX асрда ўзбек тилида биринчи бўлиб мусиқийшуносликка оид тадқиқотлар яратган Матюсуф Харратов илмий ижодини батафсил ўрганиш тадқиқотчилар олдида турган долзарб масалалардан бири. Устозлар ўз вақтида тўплаган қимматли маълумотларнинг эса ўзбек мусиқасининг этнографияси, тарихи ва илмий асосларини тўлароқ ўзлаштириш ҳамда бугунги жараёнга татбиқ этиш имкониятини бериши шубҳасиз [5].

Ғулом Зафарий илмий меросини ўрганишда ҳам ҳали кўп муаммоли нуқталар мавжуд. Афсуски, Ғ.Зафарийнинг мусиқишунос олим сифатидаги қиёфаси ҳали жуда кам ёритилган. О.Матёқубовнинг “Мақомот” китобида келтирилган бу масалага оид матбуотда эълон қилинган дастлабки маълумотлардир.

Қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш мумтоз мусиқамиз, мусиқий меросимиз ҳам давлатчилик тарихимиз сингари қадимийлигини исботлайди. Мусиқийга дахлдор рисолалар тадқиқи билан Виктор Беляев, Александр Семёнов, Исҳоқ Ражабов, Дилбар Рашидова каби олимлар шуғулланганлар. Бироқ уларнинг аксарияти (В.Беляевдан ва И.Ражабовлардан ташқари) мусиқашунослик жиҳатидан ушбу рисолаларни махсус ўрганиб, ўз давридаги жонли анъана бўлмиш мақомлар билан изчил боғлай олмаганлар, натижада улар манбалигича қолиб кетган [6]. Кейинги давр мусиқашуносларидан Тўхтасин Ғофурбеков, Оқилхон Иброҳимов, Отаназар Матёқубов, Александр Джумаев, Равшан Юнусов, Соибжон Бегматов кабиларнинг шу йўналишдаги изланишлари таҳсинга лойиқ.

XXI аср ўзбек мусиқашунослиги олдидаги энг долзарб муаммолардан бири XVI-XVIII асрларда яратилган мусиқий рисолаларни махсус тадқиқот объекти ўлароқ ўрганувчи фундаментал тадқиқотларнинг йўқлигидир. XVI-XVIII асрни олаётганимиз сабаби бу даврда яратилган мусиқий рисола-

лар ўзбек мусиқа меросининг сарчашмаси саналмиш Бухоро Шашмақомига бевосита ва билвосита алоқадорлигидир. XIX асрнинг маҳсули саналмиш “Хоразм танбур чизиғи” бир гуруҳ олимлар томонидан ўрганилмоқда.

Хуллас, таълим муассасалари мусиқа таълими йўналишларида талабаларни манбашуносликка оид маълумотлар билан таништириш давр талабидир. Маънавий меросимизнинг бир қисми саналмиш мусиқий рисолалар, баёзларни нафақат консерваториянинг манбашуносликка дахлдор профессор-ўқитувчилари, балки барча мусиқа санъатига алоқадор олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ҳам билишлари лозим. Гарчи улар билан махсус шуғулланмасалар-да, манбаларни ўрганиш билан боғлиқ жараёнлардан хабардор бўлсалар, ўзлари дарс бериб турган таълим даргоҳларида зукко, билимга чанқоқ талабалар маънавияти, мусиқий тафаккурини бойитиш ишида самаралироқ натижаларга эришадилар.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011. – 176 б.
2. Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ШИ ҚМ. Инв № 468/IV; Дарвиш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎзР ШИ ҚМ. Инв № 449.
3. О.Матёқубов. Мақомот.- Т.: Мусиқа, 2004. – 400 б.
4. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи.- Т.: Фан, 1993. – 56 б.
5. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Мухаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Т.: Ёзувчи, 1998. – 48 б.
6. О.Матёқубов. Бухоро Шашмақомига бир назар.- Т.: Янги аср авлоди, 2014. – 296 б.

Ўзбекистон давлат консерваторияси
2016 йил 29 августда қабул қилинган
(Тақризчи: с.ф.н. Д.Муродова)